

**НОСИРОВА Азиза Рустамовна**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,  
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш  
UNESCO кафедраси ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича PhD  
aziza.nosirova.84@mail.ru

## ДИНИЙ КСЕНОФОБИЯ ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### РЕЛИГИОЗНАЯ КСЕНОФОБИЯ И ОСОБЕННОСТИ ЕЕ ПРОЯВЛЕНИЯ

### RELIGIOUS XENOPHOBIA AND THE PECULIARITIES OF ITS MANIFESTATION

**Аннотация.** Мақолада ксенофобиянинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, тарихий илдизлари, турлари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, глобаллашув даврида ксенофобиянинг салбий ҳодиса сифатида намоён бўлишининг илмий-назарий асослари далилланган. Ксенофобия дастлаб, инсондаги “қўрқув”ни илмий тадқиқ этиш доирасида амалга оширилган бўлиб, унинг миллий, диний, минтақавий каби турлари мавжуд. Жумладан, диний ксенофобия диний-ижтимоий фанлар доирасида тадқиқот объекти сифатида намоён бўлади.

**Калит сўзлар.** Ксенофобия, диний, миллат, қўрқув, таҳдид, мутаассиблик, омма психологияси, ўзга.

**Аннотация.** В статье освещается сущность ксенофобии, причины ее возникновения, исторические корни, типы, а также научно-теоретические основы проявления ксенофобии как негативное явление в эпоху глобализации. Ксенофобия впервые была исследована в контексте изучения «страха» у человека и имеет несколько разновидностей: расовой, религиозной, региональной и т.д. В частности религиозная ксенофобия представляется объектом исследования в сфере социально-религиозных дисциплин.

**Ключевые слова.** Ксенофобия, религиозный, нация, страх, угроза, фанатизм, общественная психология, чужой.

**Annotation.** The article highlights the essence of xenophobia, the reasons for its occurrence, historical roots, types, as well as the scientific and theoretical foundations of the manifestation of xenophobia as a negative phenomenon in the era of globalization. Xenophobia was first studied in the context of studying “fear” in humans and has several varieties: racial, religious, regional, etc. In particular, religious xenophobia seems to be an object of research in the field of socio-religious disciplines.

**Keywords.** Xenophobia, religious, nation, fear, threat, fanaticism, social psychology, alien.

### Кириш

Жаҳонда рўй бераётган дин ва миллатлараро низолар диний ксенофобия (юнон. ксенос – бегона; фобос – қўрқув) – ўзга дин, эътиқод ва маданиятлардан хавфсираш, асоссиз қўрқиш натижасида келиб чиқмоқда. XX-XXI асрлардаги низоларнинг учдан икки қисми, айнан, диний ва ирқий асосдаги ўзаро тушунмовчилик ҳамда фобия оқибатида келиб чиқаётгани кузатилмоқда. Муаммо қўламининг кенглиги давлатлар барқарорлиги ҳамда дунё халқлари ҳаётининг хавфсизлигига таҳдид сифатида намоён бўлиб, тинчлик ва тараққиётга раҳна солмоқда. Шу боис, глобаллашув даврида диний ксенофобия ва унинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий-концептуал тадқиқ этиш устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида ксенофобиянинг генезиси, назарий-методологик асослари, тарихий кўринишлари, глобаллашув даврида намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ксенофобияни ўрганишда фалсафа, тарих, педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, диншунослик каби фан соҳалари доирасида тадқиқотлар амалга оширилаётгани унинг фанлараро ёндашувга асосланган қамровга эга эканини кўрсатади. Глобаллашув даврида динлараро муносабатларнинг барқарор ривожини таъминлашда диний ксенофобия негизидаги асоссиз ва сунъий қўрқув натижасида келиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар динамикасини ўрганиш, унинг олдини олиш механизмларини

аниқлаш, илмий-назарий асосларни конкрет таҳлиллар, илмий ментал хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

### Асосий қисм

Аввало ксенофобияни тадқиқ этиш психология фанида – “фобия” яъни “қўрқув” ни тизимлаштириш ва таснифлашдаги қарашларга асосланади. Мазкур тадқиқот натижаларига кўра, невротик қўрқувдан ташқари, “ўзимиз” ва “ўзгалар” – кўринишида ажратилиб таснифланган, ижтимоий муносабатларда намоён бўлувчи қўрқув тури мавжуд эканлиги ҳақида фикрлар билдирилган [1:5].

Кейинчалик ксенофобияни у билан ўзаро ўхшаш, мантиқан яқин – гуруҳлар ўртасидаги душманлик, этноцентризм<sup>1</sup>, қотиб қолган фикрлар<sup>2</sup>, гуруҳ ичидаги фаворитизм<sup>3</sup> каби ҳодисалар қаторида тадқиқ этила бошланди.

Биринчи бўлиб З.Фрейд фанга (1856-1939) гуруҳлараро муносабатларнинг таҳлилий-психологик кўринишларини изоҳлаган ва XX аср тиббиёти, социология, дин, фолклор, антропология, адабиёт ва санъатига ўз таъсирини ўтказган руҳий таҳлил (психоанализ) назариясига асос солган. Унга кўра, “гуруҳлараро муносабатларда гуруҳнинг бошқа гуруҳга нисбатан душманлиги, унинг бирдамлиги ва барқарорлигини таъминловчи асосий куч” экани ҳақидаги қарашлар илгари сурилган [2:41].

Кейинчалик унинг қарашларини А. Адлер, К. Юнг, Э. Фромм, К. Хорни, Г. Салливан, Ж. Лакан каби олим ривожлантирган.

Ксенофобия таъсиридаги глобал оммавий фобиялар модерн даврида<sup>4</sup> юзага келди. “Буюк ксенофобиялар” Ғарбий Европа давлатларида шаклланган бўлсада, халқаро микёсда таъсир этиш кучига эга бўлиб, Европадан ташқари давлатларга ҳам тарқалди. XX аср бошларига келиб “буюк ксенофобиялар”га “халқаро яхудий фитнаси<sup>5</sup>”, “сарик хавф<sup>6</sup>” каби концепциялар кирди. Шунинг билан бирга, мазкур икки фобия битта халқаро фитна назариясига қўшилиб кетиши ҳам мумкин эди [3:313].

XX аср охири ХХІ аср бошларида “ислом таҳдиди”, “мухожирларнинг кириб келиши” каби концепциялар юқоридаги “хавф”лар ўрнини эгаллади. Бироқ “буюк ксенофобиялар” нинг бошқа кўринишлари ҳам учраб туради, яхудийлар бошчилигидаги “ғарб цивилизацияси”нинг кейинчалик “сарик цивилизация”га қарши куч сифатида намоён бўлишида “ислом дунёсини” кадрсизлантиришга уриниши каби кўриниши ҳам мавжуд.

Шу ўринда бевосита диний ксенофобияни тадқиқ этишда ҳам сўнгги йилларда талайгина тадқиқотлар амалга оширилди. Диний ксенофобия турли динлар билан боғлиқ тушунчалар, кишилар, гуруҳлар ва бошқалардан қўрқув ҳиссиёти, шунингдек, унга бўлган салбий муносабатдан келиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда, ксенофобия миллий, диний, этник, жўгрофий каби кўринишларга эга бўлиб педагогика, психология, диншунослик, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсатшунослик каби фанлар дорасида тадқиқ этилади. Мисол тариқасида: М. Сулованинг “АҚШ ва Россияда ксенофобиянинг намоён бўлишига сиёсий вазиятнинг таъсири” номли тадқиқотида, ирқий ва диний ксенофобиянинг

<sup>1</sup> этноцентризм (грек тилида “халқ”, “қабила”, латин тилида centrum “айлана марказида тўпланиш”) — ўз этник гуруҳини афзал кўриш натижасида жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ўз миллий қадрият ва урф-одатлари манфаатларидан келиб чиқиб баҳо бериш.

<sup>2</sup> қотиб қолган фикрлар – кишининг барча ҳулосаларига битта қотиб қолган қараш доирасида фикр билдириши. У реал воқеа-ҳодисаларни тўғри талқин этишдаги тўсик сифатида намоён бўлади.

<sup>3</sup> гуруҳ ичидаги фаворитизм – ижтимоий психологик феномен ҳисобланиб, бошқа гуруҳларга қарши ўз гуруҳини мутлақлаштириш ҳисобланади.

<sup>4</sup> Модерн даври (modern — замонавий) — фуқаролик жамиятининг индустриализация, урбанизация, секуляризация, давлат институтларининг ривожланиши таъсиридаги кўриниши.

<sup>5</sup> Яхудийларнинг халқаро ҳукмронликни қўлга киритишга қаратилган яширин иттифоқи (масонлик) ҳақидаги фитна назарияси.

<sup>6</sup> Баъзи Осиё давлатлари, аввало ХХР нинг тажовуз ва хавф манбаи эканлиги ҳақидаги хавотир концепцияси.

икки давлатда намоён бўлиши, бунда АҚШда диний ксенофобиянинг бир кўриниши исламофобиянинг ортиши, Россияда эса, этник ксенофобия кўпроқ намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар икки давлатдаги вазиятни киёслаш орқали сиёсий фанлар йўналишида, А. Астахованинг “Олий таълим тизими бўлажак ўқитувчиларида ксенофобияни олдини олишнинг педагогик ҳолати”га бағишланган педагогика фанлари йўналишидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда ксенофобияни тадқиқ этишга турли фан ва соҳа мутахассислари томонидан эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда ксенофобия – мураккаб шунинг билан биргаликда кам ўрганилган муаммолардан бири сифатида баҳоланади. Ксенофобия инсоният тарихининг барча давларида мавжуд бўлиб, унинг объектлари ўзгарсада, пайдо бўлиш механизмлари ўзгаришсиз – мураккаб, зиддиятли, бир қанча омиллар: биологик, сиёсий, иқтисодий, маданий, психологик таъсирга эга ҳодиса ҳисобланади.

Ксенофобия – (юнон. ксенос - бегона; фобос - қўрқув) юнон тилида бирорта “бегона”, “нотаниш” бўлган нарса ёки тушунчадан “қўрқиш” маъносини англатади. Тиббиётда бу сўз инсондаги “нотаниш шахс, нарса ҳодиса ва бошқалардан қўрқиш” ёки улардан “нафратланиш” туйғуларини билдиради[4:92]. Нотаниш нарса ва ҳодисалардан эҳтиёткорлик юзасидан бегонасираб, улардан етиши мумкин бўлган хавф-хатардан қўрқиш инсондаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш хусусияти билан боғлиқ бўлиб, одатда соғлом инсонда кузатиладиган ҳолатдир. Бу каби ўз ҳаёти, насли, турини бегона ва номаълум хавфдан ҳимоялаш, биологик қўрқув ҳиссиёти ҳайвонларда ҳам мавжуд.

Ксенофобия кўпгина ҳолларда икки маънога эга: биринчидан бегона кишилардан қўрқув, иккинчидан эса, бошқа миллат, дин, ижтимоий-маданий, бошқа географик мансубликка эга кишилардан бегонасираш, нотаниш нарса-ҳодисалардан қўрқиш [5:17].

В.Келернинг фикрига кўра, ксенофобия феномени мураккаб ва бир-бирига қарши маънони англатиши билан бирга унинг

негизидаги қўрқув туйғусининг моҳияти ҳам мураккаб эканилиги билан характерланади. Малумки, қўрқув инсоннинг ташқи дунё хатарларидан ҳимоя қилиш учун асосий ҳис-туйғуларидан бири сифатида намоён бўлади. Уни доимо салбий баҳолаш ҳам тўғри бўлмайди. Бу нуқсон эмас, балки руҳий қобилият эканлиги ва у йўлдан адашгандагина касалликка айланишини таъкидлайди. Қўрқув мавжуд хавф-хатарга асосланиб фобиядан шуниси билан ажралиб туради. “Фобия” термини юнон қўрқув илоҳи Фобосдан келиб чиққан бўлиб, қадимги юнонлар уни душманларини қўрқитиш мақсадида ўз ҳимоя қалқонларига ўрнатишган [6].

Бир томондан, ксенофобия қўрқувни тавсифлашдаги ўзига хос хусусиятлар орқали талқин этилиши мумкин, бошқа томондан эса, у нафакат қўрқув сифатида тўғридан-тўғри тушунилади, балки “фобия” ўз навбатида “ксенофобия” тушунчасининг пайдо бўлишига тўртки бўлди. Умумий тушунча сифатида ксенофобия, нисбатан аниқ “этнофобия”, у эса, “кавказофобия”, “американофобия” каби фобияларнинг пайдо бўлишига замин яратди [7:24].

Яъни ксенофобия сўзининг пайдо бўлишида умумийликдан хусусийликка ўтиш, бунда умумий маънодаги “фобия” нисбатан аниқ “ксенофобия” сўзининг кириб келишига тўртки бўлган.

Ксенофобия одатда “бегона”, “ғайриоддий”, “тушунарсиз” каби маъноларни англатиб, у аксар ҳолларда ирқий, миллий, диний тушунчалар билан бирга қўлланилиши кенг тус олган, албатта бу ҳолда ксенофобия салбий маъноларни англатади. “Бегона” тушунчаси миллий ўзликни англаш ва шакллантириш учун муҳим омиллардандир.

К.Изард назариясига кўра, “қўрқув” туғма ҳиссий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, “фобия”лар билан боғлиқ касалликлар халқаро таснифланган статистикасига кўра, хавф-хатар туғдирмайдиган баъзи ҳодиса ёки объектлардан қўрқиш, безовталиқ, хавотирни келтириб чиқарувчи руҳий касалликлар қаторига киритилган [8].

Шу ўринда таъкидлаш керак, ксенофобия термини фанга айнан қачон кириб келганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Ксенофобия ҳодисаси ёритилган адабиётлар тадқиқ этилганда, у ўзига хос мураккаб ва қарама-қарши тушунчалардан иборат эканлиги маълум бўлади. Ксенофобиянинг бир жиҳати ҳар қандай ривожланган, шаклланган жамият ва маданият ўзининг йиллар давомида яратган анъана ва қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши табиий ҳол экани таъкидланади. Бир жиҳатдан, бегона бўлган ҳодиса ва воқеликларнинг муайян халқ менталитетига кириб боришидан хавфсираш, уни ўзгартиришга интилишдан чўчиш туйғуси табиийдир. Бошқа томондан эса, диний, ижтимоий, сиёсий воқеликларнинг “ўзга”ларга нисбатан душманлик кайфиятида аниқ бузғунчи ғояларни шакллантира олишга, маълум ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатларини амалга оширишга қодир идеологик қуролга айланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида уруш ва низоларга сабаб бўлади [8].

Ксенофобия – аввало психология фани доирасида “фобия” яъни “қўрқув” муаммосини тадқиқ этишда амалга оширилган. Тадқиқотлар натижасида асаб тизими билан боғлиқ қўрқувлардан фарқли ўлароқ, унинг ижтимоий муносабатларда юзага келишини З.Фрейд таъкидлаб ўтган. Жумладан, у қўрқувни мавжуд, реал ва невротик турларга ажратган. Реал, мавжуд қўрқув рационал ва тушунарли бўлиб, у хавфга нисбатан табиий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Невротик қўрқув эса, мавжуд бўлмаган нарса ва ҳодисалардан қўрқишдир [9].

Тадқиқот объекти бўлган диний ксенофобия турли динлар билан боғлиқ тушунчалар, кишилар, гуруҳлар ва бошқалардан қўрқув ҳиссиёти, шунингдек, унга бўлган салбий муносабатдан келиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Ксенофобия тушунчаси турли фан соҳалари доирасида ўрганилган. Хусусан: психология, фалсафа, биология, социология, сиёсатшунослик, юридик фанлари доирасидаги тадқиқотлар уни кенгроқ англашга қаратилган. Бу эса, мазкур тушунчанинг турли фан тармоқларига бевосита алоқадорлиги,

унинг кенг қамровли эканлигидан далолат беради.

Зўравонлик ва қўрқув ўзаро боғлиқ бўлиб, бир эмоционал ҳолат бошқасининг пайдо бўлишига замин яратади. Бундай ёндошувни Э.Фроммнинг “Одамнинг деструктив (ҳалокатли) анатомияси”да: қўрқувни йўқ қилишнинг усулларида бири зўравонлик ҳаракатларини амалга оширишдир. Агар одам қўрқувни ҳис қилишнинг пассив ҳолатидан ҳужумга ўтса, шу ондаёқ азобли қўрқув ҳиссиётдан халос бўлади” [10:635].

Қайси кўринишда бўлмасин фобия – “ваҳимали қўрқув” инсонларни бемаъни хатти-ҳаракатлар содир этишга туртки бўлиб, атрофдаги олам ҳақида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Тарихий муносабатлар жараёнида, яъни урушлар, истилолар, маънавий қадриятларнинг ўзгариши туфайли генетик ксенофобия шаклланиб борган. Ксенофобия юқумли касалликдек тез одамдан-одамга тарқалиб боради. Унинг энг кенг тарқалган қуйидаги турлари мавжуд.

- иркий;
- диний;
- минтақавий;
- этник;
- маиший;
- ижтимоий.

Айтиб ўтилганидек, диний ксенофобиядан ташқари кенг тарқалган этник, миллий ксенофобия турлари ҳам мавжуд. Бир халққа (этносга) нисбатан ҳадиксираш, қўрқув билан қараш ва шу қарашлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар этник ксенофобиянинг бир кўринишидир. Муайян ирқ ёки миллатга нисбатан қўрқув ва салбий муносабатда бўлиш эса, иркий ва миллий ксенофобияга мисол бўла олади. “Қора ирқчилик”<sup>7</sup>нинг Европа Америка

<sup>7</sup> АҚШ даги ирқчилик давлатга асос силингандан бери мавжуд бўлган. Жамиятга оқ танлилар асос солганлар. Улар ўз миллий ва диний мансублиги жиҳатидан бошқа жамоалардан ажралиб турганлар. Қора ирқчиликнинг асосий қурбонлари туб аҳоли вакиллари – ҳиндулар ва қора танли куллар, яъни афроамериканлар бўлганлар. Юридик жиҳатдан инсон ҳуқуқлари фақат оқ танлиларга нисбатан қўлланилган. Шунга қарамай, протестант бўлмаган оқ танли-италиялик, испаниялик, француз, греклар, немисларнинг бир қисми, голландияликлар,

ва Африкадаги кўринишлари бунга мисол бўлиб, бу бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган [11:14].

Баъзи олимлар ксенофобия ва ақидапарастлик ўзаро боғлиқ тушунчалар экани ҳақида фикр билдирганлар. Жумладан, Н. Бердяев XX асрнинг биринчи ярмида “кўплаб хунрезлик, зўравонлик, шафқатсизлик ҳолатларини амалга оширган ақидапараст, ўзини хавф-хатар қуршовида ва доимо кўрқувни ҳис қилишини таъкидлайди. Одам доимо зўравонликни кўрқув оқибатида амалга оширади. Кўрқувнинг таъсири мутаассиблик ва мурасасизлик билан чуқур боғлиқдир [12].

Кўрқувни даволаш ва уни бартараф этиш, мутаассиблик, ақидапарастликни олдини олиш билан баробар. Мазкур фикрни давом эттириб, В. Каган, бир тарафдан ксенофобия диний ақидапарастликнинг бирламчи сабаби сифатида, бошқа жиҳатдан эса, “ксенофобик дунёқараш мутаассибликдир”, дейди. Ақидапарастнинг бир ўзи ҳам шунчалик ваҳима ва шов-шув уйғотиши мумкинки, у оммавий характер касб этиб, бошқаларни ҳам “барчага маълум” ва “омма психологияси” каби механизмлар орқали ўз домига тортишга қодир [13:42].

Мутаассибликнинг диний кўриниши билан бирга миллий, сиёсий, жисмоний турлари мавжуд. Ақидапараст оқим вакиллари қарам кишилар бўлиб, ўз шахсий, дунёқарашига эга бўлмаган, ҳаётий танлов олдида масъулиятни ҳис эта олмай, олдиларидаги вазифани бошқа шахслар ёки кучли раҳбар зиммасига топшириб қўядилар. Қанчалик ўз шахсиятлари, индивидуалликларини йўқотганлари сари, бошлиқ ва гуруҳнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлиб, шу орқали “етукликка” эришмоқчи бўладилар. Мазкур ҳолатда ақидапарастлик (аксар ҳолларда диний) қарам хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади.

Сўнгги асрларда дунёнинг ривожланиши, саноатлашуви натижасида миллий маданиятлар ва диний қадриятларнинг бир-бири билан кесишиши натижасида бир томондан

поляк ва яҳудийлар маиший ҳаётда протестантлар томонидан ксенофобия қурбонларига айланганлар. Протестантликка мансуб кўпчилик оқ танлиларни бегона деб билганлар.

халқларнинг бир-бирига нисбатан бағрикенглик ғоялари шаклланишига, бошқа томондан эса, – деб ёзади Тоффлер, – ксенофобия омма, кенг жамоа устидан бошқариш воситасига айланди. Хусусан, бирор ҳукумат ёки катта ташкилотлар ўз манфаатлари доирасида кенг омма ва аҳолининг қўллаб-қувватлаши керак бўлган дамларда ёхуд жамоатчиликнинг эътиборини ижтимоий-иқтисодий соҳадан бошқа соҳаларга йўналтиришда, диний ёки миллий ксенофобиядан фойдаланиб, қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим восита сифатида фойдаланилади [14:462].

Диний ксенофобия инсон ҳуқуқларининг эътикод эркинлиги бузилиши ва камситилиши билан боғлиқ. У жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида кўпроқ учрайди. Диний ксенофобия ўзга дин вакиллари эътиқоди, қарашларидан бегонасираш, кўрқиш натижасида келиб чиқиб, мазкур кўрқув кейинчалик душманлик ва қарама-қаршилик кайфиятига айланиши эҳтимоли юқори бўлади. Бунга асосан кишилардаги илмсизлик, манманлик, худбинлик, ўз эътиқодини юқори қўйиш каби иллатлар сабаб бўлиши мумкин. Диний ксенофобия диний мутаассиблик билан боғлиқ бўлиб, унга қуйидаги омиллар ҳам сабаб бўлади:

- ўзига паст баҳо бериш;
- аксарият ҳолларда ўз дунёқарашини ва қадриятлар тизими шаклланмаганлиги;
- танқидий фикрлаш ва мушоҳада қилишнинг етишмаслиги;
- уларга фикр сингдириш осон;
- ўз имконияти ва салоҳиятини намоён этмаслик;
- зўравон экстремистик мафкураларга эргашиш;
- бошқаларга тобе бўлишлари осон;
- соғлиқ билан боғлиқ муаммолар, тушкунлик [15].

Мутаассиблик турфаликка (ирқий, миллий, диний) қарама-қарши тушунча бўлиб, хилма-хиллик инсоният ривожини таъминловчи муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Ксенофобия демократиянинг мустаҳкамланиши, бағрикенглик тамойилларининг тўлиқ таъминланиши, миллатлараро ва

конфессиялараро мулоқотнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, инсон ҳуқуқларининг бузулиши ҳамда турли камситишларга сабаб бўлади.

### Хулоса

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, жамият ҳаётида турли “фобия” яъни кўркувларнинг мавжудлиги иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий соҳаларда ҳали ҳам ечимини кутаётган масалалар билан боғлиқ. Диний ксенофобия муаммоси ҳам, давлат ва жамият ривож, барқарорлигига раҳна солувчи кучга айланган. Бугунги кунда мазкур масала турли ижтимоий тадқиқот институтлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Жаҳоннинг аксар мамлакатлари қонунчилик тизимларида ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан ксенофобиянинг ҳар қандай кўринишлари (диний, миллий, ирқий) олдини олиш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг фаровонлик даражаси бағрикенглик ғояларининг ҳаётга нечоғлик татбиқ этилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шевченко О. Ксенофобия: сущность и виды в эпохи домодерна, модерна, позднего модерна социальная философия // Автореферат. – Ростов на Дону 2014.
2. Фрейд З. Введение в психоанализ. – СПб.: Питер, 2007.
3. Дятлов В. «Желтая опасность» как орудие «мирового еврейского заговора»: на границе «великих ксенофобий» // Азиатская Россия: сб. науч. ст. – Иркутск, 2010.
4. Краткий словарь современных понятий и терминов / Под ред. А.В.Макаренко. – Москва, 1995.
5. Астахова А. Педагогические условия профилактики ксенофобии у будущих учителей в системе высшего образования: дисс. ... к.пед.н. – Ростов на Дону, 2020.
6. Данилевич С.А. Проблема ксенофобии и межкультурный диалог в современных условиях // [https://www.msu.by/info/ovrsm/kuratoru/borba\\_ksenofob.pdf](https://www.msu.by/info/ovrsm/kuratoru/borba_ksenofob.pdf).
7. Свирковская С. Ксенофобический дискурс: лингвопрагматический аспект: автореф. дис. канд. филол. наук: – Краснодар, 2005.
8. Страх // Википедия // [http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/4807#cite\\_note-IDC-6](http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/4807#cite_note-IDC-6).
9. Фрейд З. Введение в психоанализ // [https://www.psychol-ok.ru/lib/freud\\_s/vvp/vvp\\_26.html](https://www.psychol-ok.ru/lib/freud_s/vvp/vvp_26.html)
10. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – Москва, 2004.
11. Ware V., Back L. Out of Whiteness: color, politics and culture. – Chicago: The Univ. of Chicago Press, 2002.
12. Бердяев Н.А. О фанатизме, ортодоксии и истине. [http://www.vehi.net/berdyayev/fanatizm.html#\\_ftn1](http://www.vehi.net/berdyayev/fanatizm.html#_ftn1).
13. Каган В.Е. Homo Xenophobicus: психология «своего и чужого» // Национальный психологический журнал. 2011. №2.
14. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. Знание, богатство и сила на пороге XXI в. – Москва, 2004.
15. «Религиозный фанатизм» как зависимость // <http://ordo.kz/ru/index.php?id=180>.